

Кўп квартирали уйлар мукамал таъмирланмоқда

Кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида Ўзбекистон туманидаги бир қатор кўп квартирали уйларда мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, айти кунларда манзилли дастур асосида Боғи Эрам маҳалла фуқаролар йиғини Ғалаба мавзесидаги 26, 30 ва 31-сонли кўп квартирали уйларнинг том қисми мукамал таъмирланмоқда. Қайд этилишича, жараёнлар давомида айти уйларнинг олд қисми (фасад) ва кириш йўлакларида ҳам мукамал таъмирлаш ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

